

## **КУРАШ АНЪАНАЛАРИ, УРФ-ОДАТЛАРИ ҚАДРИЯТ ЭКАНЛИГИНИ ТАЛАБА ЁШЛАРГА ЎРГАТИШ**

**А.Р.Абдулахатов**

ЧДПУ, ХКИ доценти

**Ҳ.Б. Исмоилова**

ЧДПУ 2 курс талабаси.

**Р.Б.Эгамбердиева**

ЧДПУ 1 курс талабаси.

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада кураш спортининг анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Курашнинг бугунги кун жисмоний тарбия ва спорт тизимидаги ўрни, ўсиб келаётган ёшларнинг баркамол авлод бўлиб етишишида нечоғли салмоқли эканлиги мақолада ўз аксини топган.*

***Калим сўзлар:** Кураш, анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар, жисмоний тарбия ва спорт, таълим, тарбия, ёшлар, маънавият, мураббийлар, ўқитувчилар.*

### **ABSTRACT**

*This article provides information about the traditions, customs, and values of wrestling. The role of wrestling in today's system of physical education and sports, how important it is in the development of young people into a well-rounded generation, is reflected in the article.*

***Key words:** Wrestling, traditions, values, customs, physical education and sports, education, upbringing, youth, spirituality, coaches, teachers.*

### **КИРИШ**

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт тизимида миллий спорт турларининг ўрни алоҳида ўрин тутди албатта. Зеро миллий спорт турлари халқнинг тарихан шаклланган ва бугунги кунгача етиб келган бебаҳо қадриятлари ҳисобланади. Бугун дунёга юз тутган кураш спорти Ўзбек халқининг миллий қадриятларининг дурдонаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшлар ривожланган дунё билан биргаликда яшасинлар” аммо ўзлигини асло унутмасинлар” деган эдилар. Бу фикрнинг тагида жуда катта маъно бор албатта...

Анъаналар халқнинг тарихий шаклланиши ва ривожланиши жараёнида яратилган ва авлодларга муқаддас мерос сифатида ўтиб келаётган бебаҳо бойликдир. Миллатнинг асосий белгиларидан бирига айланган урф одатларни

асраш ва камол топтириш ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Аждодларимиз анъаналари барҳаёт бўлиши учун, аввало уни келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшлар онгида барқарорлаштириш лозим, акс холда ёшлар томонидан аждодлар анъаналарининг кадрланмай қўйилиши авлодлар ўртасида маънавий узулишни вужудга келтиради. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ анъаналари шўролар даврида жиддий тўсиқларга учраган бўлсада, ўзбек халқи мустақилликка эришгандан сўнг қайта тиклана бошлади. Халқ анъаналари, маросимлар жараёнида намоён бўлаётган одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, иззат-икром каби ҳислатлар ёшлар маънавиятининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай улкан ва ўта маъсулиятли ижтимоий-педагогик жараёнларни амалга ошириш долзарб вазифалардан биридир.

### **МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Анъаналар, қариятларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш борасида дунё олимлари қатори республикамиз олимлари томонидан ҳам кейинги йилларда бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жисмоний маданият таълимида миллий ва умуминсоний қадриятларни қўллаш бўйича профессорлар Х.Т. Рафиев, Ў.И. Иброхимов, Ф.Қ. Аҳмедов, доцент А.Р.Абдулахатов бир қатор ишларни амалга оширган. Республика ва халқаро миқёсдаги кўплаб анжуманларда қилинган маърузаларда мавзуга тегишли мулохозалар билдирилган. Аммо жисмоний маданият дарслари ва кураш дарсларида миллий қадриятлар ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш мавзуси юзасидан тадқиқодлар олиб борилмаган.

Қадриятларни тиклаш, унинг таълим тарбиядаги ўрнини белгилаш ҳали кенг қўламли ишларни амалга ошириш масаласи долзарб вазифа бўлиб турибди. Миллий ва умуминсоний қадриятимиз бўлган курашни ижобий сифатларини қўйидагича таснифлаш мумкин. **(Ф.Қ. Аҳмедов, А.Р.Абдулахатов) таснифи:**

- Кураш ўзбек спорти.
- Кураш замонавий жаҳон спорти.
- Кураш энг самарали ва намунали тарбия воситаси.
- Кураш қоидалари фалсафаси, инсонпарварлик ғояларига асосланган.
- Кураш - дунё халқларини бир-бирига янада яқинлаштиради.
- Кураш - мардлик, жасурлик, ҳалоллик каби ҳислатларни талаб этадиган спорт тури.

- Кураш - мустақил дунё қараш ва эркин тафаккурни шакллантиради, билими ва кучига ишониб яшашни тарбиялайди, ўргатади.

- Кураш спортчидан жисмоний жиҳатдан ўта даражада етукликни талаб этади.

- Кураш - тарихий буюк шахслар хаёти ва фаолиятининг мазмуни.
- Курашнинг халқ оғзаки ижоди ва мутафаккирлар қарашларидаги талқини.
- Кураш байрамларда халқ томошалари тадбирларининг ажралмас таркибий қисмидир.
- Кураш юксак ахлоқий сифатларни талаб этади ва тарбиялайди.
- Кураш ёшларни миллий ва умум инсоний руҳда тарбиялаш воситаси.
- Кураш миллий ғурур.
- Кураш ўзбек миллатининг узоқ ўтмишдан бугунги кунигача етиб келган умри боқий миллий спортидир.

Миллий қадриятларининг умумий таснифларига асосланган ҳолда, жисмоний маданиятнинг миллий қадриятларини қуйидагича таснифлаш

**Жисмоний маданиятнинг миллий қадриятлари**

**Маънавий қадриятлар**

Жисмоний машқлар ва ҳаракатлар ўйинлар, миллий спорт турлари, шахс манавиятини шакллантириш, Баркамол авлод тарбиясидаги ўрни ва ахамиятига оид илмий-услубий бойликлар

Аҳоли турмуш тарзида халқ оғзаки ижоди ва ёзма- адабиётлар намуналарида шахс жисмоний баркамоллиги масалалари

**Моддий қадриятлар**

Бугунги кундаги мавжуд барча замонавий спорт иншоотлари ва жиҳозлари

Халқ ўйинлари миллий спорт турларига оид моддий тарихий ашёлар ва жиҳозлар

Кишиларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлик даражаси, спортдаги натижалари, аҳолини саломатлик даражаси

Мутафаккирларнинг  
илмий қарашларида шахс  
жисмоний баркамоллиги  
талкини

Жисмоний тарбия  
воситалари (жисмоний  
машқлар, табиатни  
соғломлаштирувчи кучлари,  
гигиеник муҳит

Жисмоний маданиятнинг  
замонавий, илмий,  
маънавий-маърифий  
бойликлари.

### К У Р А Ш

Таълим-тарбия тизимида муҳим йўналиш миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигидир. Бу келажак авлодга бой маданий мерос қолдириш минглаб йиллар давомида шаклланган анъаналар асосида таълим–тарбия беришдир. Юртимиз аҳолисининг аксарият кўпчилигини ташкил этувчи ёшлар юртимиз келажagini белгилаб беради. Ўсиб келаётган анашу ёш авлодни жисмоний тайёрлашда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни катталиги бу масалага ёндашувнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Талабаларни халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, халқ оғзаки ижоди, буюк мутафаккирлар асарлари, шунингдек баходир полвонлари ва уларнинг ватанпарварликлари, қахрамонликлари, довюрракликлари билан таништириб бориш тарихий шахар-у зиёратгоҳларга олиб бориш, уларда ота-боболаримиздан мерос қадриятлар бўлган қизиқишларини янада орттиради. Таълим-тарбия жараёнида миллий қадриятлардан изчил фойдаланиш катта самара беради ва шундагина кутилган мақсадга эришиш мумкин .

Мустақиллик шарофати билан жаҳонга юз тутган кураш майдонига чиқаётган полвонларимиз кураш донғини дунёга дoston қилиш бароварида ўзларининг нечоғли салохиятли эканликларини ҳам кўрсатиб келишмоқда. Томирларида не-не паҳлавон боболаримизнинг қони оқаётганини исбот қилган Ақобир Қурбонов, Камол Муродов, Тоштемир Мухаммадиев, Баҳром Авазов, Махтумқули Махмудов, Фурқат Маматов, Рамзиддин Сайидов, Исоқ Аҳмедов, Давлат Чориев, Олим Равшанов, Давлат Абраев, Шухрат Арслонов, Шерали Жўраев, Мухсин Хисомиддинов, Сухроб Худойбердиев, Фаёз Файзуллаев, Маъруф Ғайбуллаев, Темурхон Тўраев, Аброр Жабборов, Камолиддин Расулов, Умид Эсонов, Сарвар Шомуродов, Шермухаммад Жандриев, Эркин Дониёров,

Шахрам Аҳадов, Абдулазиз Ҳамроев, Артём Штурбабин ва бошқалар халқнинг шону-шавкати жаҳонга кўз-кўз қилди.

Ҳар қандай халқнинг миллий анъанаси, шу миллатнинг ҳаёт эҳтиёжи, турмуш тақазоси натижасида дунёга келади. Миллатнинг фахри бўлган кураш анъанаси халқимизнинг кўплаб урф-одатлари, удумлари мужассамлаштирган ўзига хос санъатдир. Кураш анъанасини ўзбек халқи кўз қорачиғидек асраб-авайлаб авлодларга мерос қилиб, шу кунгача етиб келди. Унинг мавжудлиги айрим шахсларга боғлиқ эмас. Кураш анъанаси халқимиз ғурури ва куч-қудратининг тимсоли бўлиб, йигит-қизларимизни, эпчил, жасур, мард, кучли, камтарин, меҳнатсевар қилиб тарбиялашда тенги йўқ қадрият саналади.

Тадқиқот ишимиздан келиб чиқиб қуйидаги ишларни амалга оширишни тавсия этамиз:

1. Жисмоний маданият факультети талабаларига курашнинг анъаналари, урф-одатлари миллий қадрият эканлигини ўргатиш;
2. Талабалар билан етакчи фахрий полвонлар, спотчилар билан мулоқотлар ўтказиш;
3. Миллий қадриятларга бағишланган анжуманлар, мусобоқалар ўтказиш;
4. Қадриятлар муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинарлар ўтказиш;
5. Иқтидорли талаба спортчиларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш.
6. Жисмоний тарбия факультети талабаларига миллий қадриятлар, анъаналар билан боғлиқ билимларни ўқитиш йўллари тақомиллаштириш;
7. Ўтмиш тарихимиздаги Тўмарис, Широқ, Спитамен, Пахлавон Махмуд, Махмуд Таробий, Жалолиддин Мангуберди, Амур Темур, Захриддин Мухаммад Бобур ва бошқалар буюк тарихий шахслар ҳақида давра суҳбатлари ўтказиш;
8. Курашнинг тарбиявий жиҳатларини янада чуқур ўрганиш (ҳалоллик, бағрикенглик ва ҳоказолар);
9. Таълим жараёнида миллий хусусиятларни ҳисобга олиш, йулга қўйиш, бу борада миллий анъаналардан фойдаланиш;
10. Ўқитиш жараёнида талабаларни кураш дарси ва дарсдан ташқари ишларга доир билимлар бериб бориш;
11. Анъана ва қадриятларни тиклаш, ривожлантириш улардан жамият аъзоларини бахраманд этиш;
12. Талим-тарбия ишларини ва миллий умуминсоний қадриятлар, анъаналар, янги давр ва истиқлол муаммолари билан боғлаб амалга ошириш йўллариининг белгиларини белгилаш ва бошқалар;

13. Институт профессор ўқитувчилари, талабалари, кураш мутасаддилари билан Республика ва Халқаро **Onlayn (Zoom)** орқали семинарларни ташкил қилиш, иштирокини таъминлаш;

### **ХУЛОСА**

Таълимни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида талабаларга берилаётган таълим-тарбияни ва шу асосда ўқитувчиларимизнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш ишларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ташкил этишни тақозо этади. Бу ўз навбатида талабаларда билим ва кўникмаларни такомиллаштириш билан биргаликда ватан- парварлик, миллатпарварлик, қадриятларни эъзозлаш каби туйғуларини ва ахлоқий сифатларини тарбиялашда ўз самараларини бериши алоҳида ўрин тутди. Жисмоний маданият дарслари, кураш дарсларида фойдаланилган қадриятлар кўп қиррали илмий тадқиқод ишларини олиб боришни талаб этади.

### **REFERENCES**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4881 "Kurash Milliy sport turini rivojlantirish va uning xalqaro nufuzini yanada oshirish chora - tadbirlari to'g'risi"da Qarori. 2020-yil 4-noyabr.
2. Ахмедов Ф. Қ. Жисмоний таълимда миллий анъаналарнинг ўрни. Тошкент 2010 йил "Фан нашрети" 110-бет.
3. Ф.Қ.Ахмедов, А.Р.Абдулахатов Ўзбек кураши миллий ва умуминсоний қадриятлар дурдонаси. Тошкент 2017 йил 128- бет.
4. Abdulaxatov A.R. Oliy ta'lim muassasalari talabalariga kurashning tarbiyaviy ahamiyatini o'rgatish yo'llari. Mug'allim hem uzluksiz bilimlendiri'y. Ilmiy metodikaliq jurnali. 2020 y. 148-151 betlar.